



**ТУРКИСТОНДА ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИГА
ДОИР ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР
(XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ)**

Наргизахон Алимова

ФДУ доценти, т.ф.ф.д.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8300208>

ARTICLE INFO

Received: 23th August 2023

Accepted: 29th August 2023

Online: 30th August 2023

KEY WORDS

Ипак, хомашё,
хунармандчилик, савдо
муносабатлари, маҳсулот,
ўлка бозорлари, ярмарка.

ABSTRACT

Мақолада Туркистон ўлкасида ипак маҳсулотларининг ўрни, экспорти, ички ва ташқи савдо масалалари ёритилган. Шунингдек, ўлка хунармандчилиги, бозорлари, ипак матолар нархи, ярмаркалар ва савдо муносабатларига доир маълумотлар берилган.

Қадимги даврлардаёқ Марказий Осиёдан хорижий ўлкаларга ипак маҳсулотлари экспорт қилинар, Эрон савдогарлари эса бунда воситачилик қилар эдилар. Туркистон ўлкасининг ички ва ташқи савдосида маҳаллий уста-хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган ипакчилик маҳсулотлари муҳим роль ўйнаган. Шойи матолар ўлкадан Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларигача экспорт қилинган. Бозорларда ипак матолар харидоргир бўлиб, беқасам, адрас, шойи каби турларини кўпайишига олиб келган¹.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Россия империяси ҳукумати Туркистондан хомашё ташиб кетишга эътиборни кучайтирди. Айни пайтда, ўлка бозорлари Россия саноати товарлари билан тўлдирила бошланди. Оқибатда, олиб келинган товарларнинг сифати юқорилиги ва нархининг арзонлиги туфайли маҳаллий хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар касодга учраган². Хунарманд-косиблар вужудга келган рақобатга қарамасдан, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз маҳсулотларига харидорларни топишга ҳаракат қилганлар. Ҳамда улар ташкил этилган қишлоқ хўжалиги ярмаркаларида фаол иштирок этганлар.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг фармонида биноан, 1870 йили Тошкент шаҳрида дастлабки савдо ярмаркаси очилишига рухсат берилган³.

Ўрта Осиё билан савдо муносабатларини яхшилаш ва савдогарларни истеъмолчилар билан яқинлаштириш мақсадида 1870 йилда Россия империяси ҳукумати томонидан ўлкада кўرғазмалар ташкил этилган. Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари кўрғазмалари Туркистон ўлкасида деярли анъанавий тарзда

¹ Луниев Б.В. Свет из прошлого // Звезда Востока. – Ташкент, 1990. – № 6. – С.126-127.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. – Тошкент, 2000. – Б. 236.

³ Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи. III жилд. – Тошкент, 2012. – Б. 292.



ўтказилиши йўлга қўйилди. Аслида, ушбу кўрғазмалар мустамлакачиларни ўлка аҳволи ва унинг ишлаб чиқариш тармоқлари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида ташкил этилган эди. Империя ҳукумати дастлаб савдо ярмаркаларида ўз товарлари билан қатнашган савдогарларга бир қатор имтиёзлар берди. Масалан, 1872 йилгача Тошкентда ўтказилган ярмаркаларда иштирок этган бухоролик, хивалик ва туркистонлик савдогарлар закот солиғидан озод қилинган. Қишлоқ хўжалиги кўрғазмасининг очилиши билан 1870 йилда Қўқон хонлигининг Россия империясини хомашё, айниқса, пахта, мато, сарнак, ип ва ипак билан таъминлаш борасидаги мавқеини ортиб борган. Жумладан, ярмаркага Қўқондан 24664 рубллик сарнак ва 14614 рубллик ипак келтирилган⁴.

Тошкентда очилган Ўрта Осиё саноат ва қишлоқ хўжалигига доир 1886, 1890 йиллардаги Туркистон кўрғазмаларида маҳаллий уста-хунармандлар ҳамда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқилган турли буюмлар намойиш қилинган⁵. Айниқса, сержило ипак буюмлар кўрғазма иштирокчиларнинг эътиборини тортган.

Кўрғазмада намойиш қилинган ипақдан 1871 йил (кузида) Россия империясига 116 775 рубллик олиб кетилган. Айни кўрсаткич турли йилларда ўзгариб турган. Хусусан, йиллик об-ҳаво ёки ижтимоий вазият етиштирилаётган ҳосилга ва унинг савдосига ўз таъсирини ўтказган. Масалан, Фарғона водийсида қулоч ёзган қўзғолон ва сиёсий беқарорлик туфайли 1876 йилда Тошкентда ўтказилган кузги ярмаркадан Оренбургга бор-йўғи 12 130 рубллик ипак олиб кетилган⁶.

Россия империяси томонидан ўлка босиб олинган, Тошкент ўлкасининг йирик савдо ҳамда хомашё маҳсулотларини хорижга жўнатиш марказига айланди. Тошкентда ҳудудлардан келтирилган хомашё, товар маҳсулотлар сараланган ҳамда, Россия империяси орқали бошқа хорижий мамлакатларга олиб кетилган. Россия империяси иқтисодиётида ипак хомашёсига эҳтиёж катта эди. Шу боисдан, Ўрта Осиё темир йўли орқали ипак хомашёси ва ипакчилик маҳсулотлари мунтазам Россия марказий губернияларига ташиб кетилган. Туркистон ўлкасининг хорижий мамлакатлар билан савдо алоқалари фақат Россия империяси ҳукумати томонидан белгиланган. Ўлканинг асосий савдо айланмаси «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степпун», Москва Ҳисоб банки, Рус-Хитой банки ва Рус-Осиё банки каби савдо фирмалари ва банклари орқали амалга оширилган⁷. 1868 йилдан бошлаб эса ипак маҳсулотларининг аксарият қисми Россияга олиб кетилган⁸. Тошкент бозорларида кун ора 100 пудгача пилла сотилган⁹. Туркистон ўлкасида етиштириладиган пилланинг 80-90 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келган.

Россия марказий губернияларига ташиб келинаётган ипак ва ипак хомашёсининг катта Ўрта Осиёга тегишли бўлган. Масалан, Ўрта Осиёдан 1905 йилда 293,9 минг пуд

⁴ Терентьев М. А. Статистические очерки Среднеазиатской России. – СПб., 1874. – С.150.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. – Тошкент, 2000 – Б. 236.

⁶ ЎзР МДА, И.469-фонд, 1-рўйхат, 278-иш, 30-47-варақ.

⁷ Акрамов А. Миркомилбой қандай шахс эди? // Шарқ юлдузи. – 1992. – № 5. – Б.88.

⁸ ЎзР МДА, Р.132- фонд, 1- рўйхат, 17-иш, 3-варақ.

⁹ Шелководство и шелкоматание в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. – С. 33.



пилла ва ипакнинг 100 минг пуддан зиёдроғи Россия империясига олиб кетилган¹⁰. Туркистонда ипак ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида, унинг кўпгина қисми фирмалар томонидан сотиб олиниб, Россия империясига жўнатилган. Жумладан, Фарғона вилоятида 3 та ана шундай фирма фаолият юритган. Уларнинг орасида Туманьянц фирмаси энг кўп ипак сотиб олар эди¹¹.

Россия империяси манфаатларидан келиб чиқиб Эргаштомда 1889 йил божхона ташкил этилган. Айни ҳолат ўлканинг Қошғар билан савдо муносабатларини мўътадиллаштирди¹². Шунингдек, империя учун зарур бўлган чорва ва хомашё манбаларини Шарқий Туркистонга чиқиб кетишига чек қўйилган, назоратга олинган. Шу ўринда айтиш мумкинки, ўлкадан Ҳиндистонга ипак ва газламалар чиқарилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон савдо муносабатлари империя назоратига олинган. Туркистон ипагининг сифати яхши, толаси ингичка сабабли ҳиндистонлик савдогарлар Фарғона водийсида ҳам савдо ишларини йўлга қўйишган. Хусусан, Андижонда Рамби-Паша ва Рамсу-Суфаларнинг ипак билан шуғулланувчи фирмалар фаолият олиб борган¹³.

XIX аср охирида Россия империяси хорижий давлатларга ён беришга мажбур бўлган. Айни ҳолат хорижлик савдо ва саноат соҳаси вакилларининг Россия империяси фуқаролигига ўтишига имкон берган. Баъзилари эса ҳукуматдаги мансабдор шахслар ёрдамида Туркистонда фаолият юритиш учун рухсатнома олишган. Жумладан, Италия, Франция, Англия ипак ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари Барбиери, Адамоли ва Мозер Туркистон ўлкасида ипак толасини сотиб олиб, Европадаги корхоналарига олиб кетишган¹⁴.

Темир йўллар қурилиши натижасида ипак тола ва матолар ташиб кетилиши ҳажми ортиб борган. Россия империясининг марказий губернияларига 1887 йилдан 1900 йилгача Туркистондан 113 959 пуд ипак олиб кетилган. Шунингдек, Ўрта Осиёдан темир йўллар орқали 1900 йилда 34 359 пуд, 1907 йилда эса 100 149 пудни ипак маҳсулотлари ташиб кетилган. Темир йўллар қурилиши билан Фарғона вилоятидан олиб кетилган ипак маҳсулотлари миқдори ҳам кескин ошиб кетган. Жумладан, 1907 йилда темир йўл орқали Россияга Ўрта Осиёдан 98 096 пуд ипак жўнатилган, жумладан Фарғона вилоятидан 69 070 пуд юборилган¹⁵.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охирлари – XX аср бошларида Туркистон ипак ва ипак маҳсулотлари ташқи савдода Россия империясининг марказий губернияларига, Ҳиндистонга, Эронга, Қошғарга, Германияга, Австрияга, Италияга, Венгрияга ва Францияга юборилган. Ипак савдосида мустамлака маъмурияти ва улар тасарруфида бўлган фирмалар асосий ўрин тутган. Улар ипак ва ипак маҳсулотларини Шарқ

¹⁰Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана.–СПб.,1909. – С. 8,9.

¹¹Статистический обзор Ферганской области за 1904. – СПб., 1905. – С. 31.

¹² Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – начале XX веков // Востоковедение. История. Филология – Ташкент, 1987. – С. 24.

¹³ Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге (под ред. Д.И.Дмитриева–Мамонова). – СПб., 1903. – С. 393.

¹⁴ Насыров О.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар тарихи: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2009. – Б. 33.

¹⁵Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. – СПб., 1909. – С.16.



давлатларига сотишдан кўра, мазкур маҳсулотларни Европа бозорларига юборишни афзал кўрган. Ипак ва ипак маҳсулотларини асосий қисми эса, асосан Россия империясининг марказий губернияларига юборилган.

References:

1. Луин Б.В. Свет из прошлого // Звезда Востока. – Ташкент, 1990. – № 6. – С.126-127.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси муштамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. – Тошкент, 2000. – Б. 236.
3. Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи. III жилд. – Тошкент, 2012. – Б. 292.
4. Терентьев М. А. Статистические очерки Среднеазиатской России. – СПб., 1874. – С.150.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси муштамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. – Тошкент, 2000 – Б. 236.
6. ЎЗР МДА, И.469-фонд, 1-рўйхат, 278-иш, 30-47-варақ.
7. Акрамов А. Миркомилбой қандай шахс эди? // Шарқ юлдузи. – 1992. – № 5. – Б.88.
8. ЎЗР МДА, Р.132- фонд, 1- рўйхат, 17-иш, 3-варақ.
9. Шелководство и шелкомотание в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. – С. 33.
10. Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана.–СПб.,1909. – С. 8,9.
11. Статистический обзор Ферганской области за 1904. – СПб., 1905. – С. 31.
12. Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – начале XX веков \ \ Востоковедение. История. Филология – Ташкент, 1987. – С. 24.
13. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге (под ред. Д.И.Дмитриева-Мамонова). – СПб., 1903. – С. 393.
14. Насыров О.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар тарихи: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2009. – Б. 33.
15. Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. – СПб., 1909. – С.16.